

Икки юз йил аввал босилган энг кичик босма Қуръон



06:58 / 22.02.2024 2244

Эронда ўтказилаётган Халқаро Қуръони Карим мусобақасининг бешинчи кунда дунёдаги энг кичик босма Қуръон тақдироти бўлиб ўтди. Бу ҳақда iqna сайти хабар берди. 40-Халқаро Қуръон мусобақасининг сўнгги кунда Эронда бундан 150-200 йил аввал босилган энг кичик босма Қуръон намоиш этилди.

Ушбу Қуръон соҳиби Оқил Рофийй Эронда ўтказилаётган Халқаро Қуръон мусобақасида интервью берди: «Мен бу Қуръонни отамдан тахминан 20 йил аввал совға сифатида олганман. Бу китобни отам ҳам амакисидан олган. Бу Қуръон менга бир неча авлодлар олдин келган ва мен унга қарийб йигирма йилдан бери ғамхўрлик қиламан. Мутахассисларнинг фикрича, бу Қуръон 150 ёшда. Эшитилганларга кўра, бу китобнинг 10 та нусхаси Мисрда чоп этилган ва ҳозирда Қуръоннинг ягона нусхаси оммага эълон қилинадиган нусхадир».

У Қуръоннинг сақланиш ҳолати ҳақида шундай дейди: «Бу Қуръон қадим замонлардан бери кумуш метал қутида сақланган. Қуръоннинг муқоваси

мавжуд эмас.

Ушбу Қуръонни музейга ҳадя қилмоқчимисиз, деган саволга Рофиъий: «Мен бу Қуръонни асраш вазифасини давом эттиришга қарор қилдим», деб жавоб берган.